Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 30-may, shanba, № 67 (3572)

Бизнинг мақсадимиз — дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗАРО ИШОНЧ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27-29 май кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ташрифнинг асосий расмий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди.

Президентлар аввал тор доирада, сўнгра кенгайтирилган таркибда очиқлик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама этдилар.

Корея Республикаси томони Ислом Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик кўлами ва уни янада кенгайтириш истиқболларидан, шунингдек, Ўзбекистон кўп томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Томонлар ушбу ташриф олий даражадаги анъанавий мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлганини ва ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ўзаро ҳамжиҳатликка янада катта аҳамият бериш борасида икки мамлакатнинг сиёсий хоҳиш-иродасини намоён қилганини, бу халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Президентлар ўзаро ишонч — мустаҳкам ҳамкорликнинг энг муҳим омили эканини алоҳида қайд этдилар.

Самарали ва амалий руҳда ўтган музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шунингдек, муҳокама этилган минтақавий ва халқаро сиёсий муаммолар бўйича позиция ва ёндашувлар яқинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яримороли ва умуман, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган, тинчликпарвар ва вазмин ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Корея Республикаси Президенти томонидан ўтган йили Дрезден шаҳрида илгари сурилган икки Корея давлати ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда Корея яримороли ядро қуролидан холи мақомини таъминлашга қаратилган изчил ва прагматик "Тинчлик йўли билан бирлашиш ташаббуси"ни маъқуллайди.

Глобаллашув асрида барча давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги инобатга олинган ҳолда, томонлар Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган "Евроосиё ташаббуси" долзарблигини қайд этди ва ушбу ташаббусни қадимий Буюк ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этди.

Томонлар мазкур лойиҳани иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантиришнинг мавжуд ва муваффақиятли амалга оширилаётган халқаро ва минтақавий дастурлар билан узвий боғлаш зарурлигини қайд этди.

Президентлар Марказий Осиёда сув ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масаласини минтақадаги барча давлатлар манфаатларидан келиб чиқиб, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ маслаҳатлар ўтказиш орқали ҳал этиш кераклигини таъкидлади.

Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикасига "Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форумини ривожлантириш ва унинг доимий ишловчи котибиятини таъсис этиш масаласини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

Томонлар парламентлараро, жумладан, қонунчилик органларида фаолият олиб бораётган ассоциациялар ва дўстлик гуруҳлари орқали амалга оширилаётган ҳамкорлик муносабатларини юксак баҳолади.

2014 йилда икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари белгиланган Стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзолангани муҳим воқеа бўлди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳалардаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш доирасида Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик шериги экани ва Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 20 йилдан ортиқ вақт давомида барқарор ва изчил ривожланиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганини таъкидлади.

Жанубий Корея томони Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, қулай инвестиция муҳити яратилгани, таълим соҳаси, инфратузилмани ривожлантириш, саноатни модернизация қилиш, замонавий қишлоқ хўжалигини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва чуқур таркибий ўзгаришларни юксак баҳолади. Корея Республикаси раҳбарининг таъкидлашича, глобал иқтисодиётда мураккаб вазият юзага келганига қарамасдан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари кейинги ўн йилда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани таҳсинга лойиқдир.

Жанубий Корея Президенти мамлакатларимиз иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга эканини таъкидлади.

Пак Кин Хэ Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жанубий Корея компаниялари иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришини қайд этди.

Томонлар товар айирбошлаш ҳажми барқарор юксалиб бораётгани ва сўнгги йилларда бу кўрсаткич мунтазам 2 миллиард АҚШ долларидан ошаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан Жанубий Корея томони Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида Корея Республикаси бизнесининг йирик савдо-инвестиция шериги ҳисобланишини қайд этди. Ўзбекистон томони, аввало, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологияларни жалб этиш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар якунида Президентлар барча йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб берилган Қўшма декларацияни имзоладилар.

Умуман, ташриф доирасида ва бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея бизнес-форуми якунлари бўйича 60 битим ва шартнома имзоланди. Уларнинг 55 таси савдо-иқтисодий, инвестиция ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасига тааллуқлидир. Инвестициявий ҳамкорлик соҳасида 34 битим, жумладан, нефт-кимё ва кимё соҳасида 5 лойиҳа, автомобил саноатида 9, электротехника соҳасида 5 лойиҳа имзоланди. Ушбу битимлар углеводородларни чуқур қайта ишлаш, метанол ва олефин олиш учун табиий газни қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларни жорий қилиш, азот кислотасини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уч русумдаги машҳур янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги авлод автомобил двигателлари, трансмиссиялари ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳаларни қамраб олган.

(Давоми 2-саҳифада).

"УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015"

Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" мажмуасида "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг финал босқичи ғолибларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

УЛКАН МАҚСАДЛАРГА БОШЛОВЧИ СПОРТ БАЙРАМИ

Жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон номининг янграши, давлатимиз байроғининг мағрур ҳилпираши барчамизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини юксалтиради. Президентимиз раҳнамолигида спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ёшларимиз бизга бундай юксак туйғуларни кунда-кунора бахш этиши оддий ҳолга айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, нимаики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида Ўзбекистон ёшлари турли халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришаётир. Кейинги йилларда Фарғона вилоятидан спортнинг турли йўналишлари бўйича элликдан ортиқ жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиққани фикримиз исботидир.

Бокс бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ойбек Шарипов, Баҳодир Мамажонов, каноэда эшкак эшиш бўйича Элёр Мамадалиев, шахмат бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова ва бошқа кўплаб ёшлар бугун юртимиз фахрига айланган. Сарвиноз Саидхўжаева, Ҳулкар Тоҳиржонова, Камола Раҳмонова, Динара Маматиброҳимова каби умидли спортчи қизлар ҳам халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада ва бошқа кўплаб мусобақаларда вилоят ёшлари муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

2003-2014 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятда 138 спорт иншооти ҳамда 27 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилди ва қайта таъмирланди.

Вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг 410 мингдан зиёди спортнинг турли йўналишларида мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 196 минг 666 нафари қизлардир. Вилоятда, айниқса, стол тенниси, миллий кураш, спорт гимнастикаси, сузиш, шарқ якка кураши турлари жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланишга жалб этиш 2015 йилда 61,4 фоизга етди.

Бугун вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароит мавжуд. Шаҳар ва қишлоқларда, таълим масканларида футбол майдонлари, замонавий талабларга жавоб берадиган 33 теннис корти барпо этилди. Тошлоқ, Учкўприк туманлари, Қувасой шаҳрида марказий стадионлар, Қува туманида соғломлаштириш маркази, Фарғона шаҳрида "Истиқлол" теннис мажмуаси ва марказий стадиони, ёпиқ сув спорти мажмуаси каби ўнлаб муҳташам спорт иншоотлари фойдаланишга топширилдики, буларнинг барчаси фарғоналик ёшларнинг турли нуфузли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашида муҳим аҳамият касб этаётир.

"Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг Фарғона вилояти финал босқичи иштирокчиларга унутилмас онларни туфҳа этди.

Мазкур мусобақаларнинг саралаш босқичларида 109 минг 763 ўқувчи қатнашди, уларнинг 36 минг 18 нафари қизлардир. Ёшларнинг фикрича, "кичик олимпиада"да иштирок этишнинг ўзи катта шараф. Зеро, "Умид ниҳоллари" юксак марралар сари ўзига хос пиллапоя вазифасини ўтайди.

(Давоми 4-саҳифада).

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ПАРВОЗГА ШАЙ ЛОЧИНЛАР

Фарзандларимиз қалбига гўзал ва сермазмун қўшиқлар орқали эзгулик ғоялари сингдириб борилса, уларнинг маънан баркамол бўлиб улғайишига мустаҳкам замин яратилади. Ўз ижод намуналари билан болаликнинг сирли оламига йўл топадиган шоир ва бастакорларни ҳар томонлама рағбатлантириб бориш бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида болалар қўшиқлари, шеърлар ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови ташкил этилган эди. Танловнинг ҳудудий босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда кўплаб бастакор, шоир, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларининг ёш иқтидор соҳиблари иштирок этди. Она Ватан, истиқбол, бахтиёр болалик, миллатлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар орасидан энг саралари республика босқичида танлаб олинди.

(Давоми 4-саҳифада).

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ

Самарқандда "Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор" шиори остида ўтказилган китоб байрамида пойтахтдаги бир қатор нашриётлар қатнашиб, янги китоблар савдо-ярмаркаларини ташкил этди. Таълим муассасалари кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказлари томонидан тақдим этилган электрон китоблар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

КИТОБ — ЭНГ ЯХШИ ҲАМРОҲ

— Китоб байрамида анча вақтдан буён излаб юрган асарларимни топдим, — дейди Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети талабаси Сардор Темирхонов. — Тошкентдаги бир неча нашриётлар томонидан тақдим этилган ва Самарқанд шаҳридаги китоб дўконларида сотувга қўйилган янги китоблар ҳам бизга манзур бўлди.

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда китоб савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, олий ва ўрта махсус, халқ таълими муассасалари томонидан адабий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмалари намойиш этилди.

— Кейинги йилларда анъанавийлик касб этаётган мазкур тадбир аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Орифҳожиев. — Китоб байрами доирасида ўтказилаётган янги китоблар тақдимотлари, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, илмий-амалий конференция ва мушоиралар ёшларнинг китобга меҳри, қизиқишини оширмоқда. Шунингдек, вилоятда китоб савдоси билан шуғулланувчи намунали китоб дўконлари аниқланиб, аҳоли уларнинг фаолияти билан яқиндан танишаётир.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

2015-yil 30-may, shanba, № 67 (3572), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗАРО ИШОНЧ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фармацевтика соҳасида имзоланган 7 лойиҳада онкологик, эндокрин, офталмология, нафас олиш органлари ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволаш учун препаратлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Молиявий ҳамкорлик Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ташриф доирасида бу борада Жанубий Кореянинг имтиёзли кредит ресурсларини жалб этиш бўйича 7 битим имзоланди. Саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш дастурлари доирасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун Корея Республикаси банкларининг умумий қиймати 2,9 миллиард долларлик узоқ муддатли инвестиция кредитларини жалб этиш бўйича 6 битим, "EDCF" фондининг 33 миллион долларга тенг имтиёзли кредитини жалб қилган ҳолда, "Мактаб таълимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш" лойиҳасини молиялаштириш бўйича заём битими ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида "EDCF" фонди линияси бўйича имзоланган 2015-2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурида қиймати 415 миллион долларлик узоқ муддатли имтиёзли кредитларни жалб этиш орқали 6 лойиҳа, шу жумладан, Тошкент шаҳрида IV даражали замонавий кўп тармоқли, юқори даражада ихтисослаштирилган тиббиёт марказини, "электрон ҳукумат" тизими маълумотларини қайта ишлайдиган давлат марказини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини жорий қилиш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион доллар бўлган грантларни жалб этиш орқали 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутган. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва тиббиёт ускуналарига хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистондан Жанубий Кореяга пахта толаси, рангли металлар, автомобил кабеллари, минерал ўғит, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича йирик экспорт шартномалари имзоланди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади ва Ўзбекистон учун янги, биринчи навбатда, қайта ишлаш саноати соҳасидаги устувор лойиҳалар рўйхатини тузиш ҳамда уларни биргаликда амалга ошириш масалаларини кўриб чиқишни таклиф этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти яқинда тасдиқлаган саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, давлат корхоналарини корпоратив бошқариш ва хусусийлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурлари бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифига тайёргарлик кўриш доирасида 26 май куни Сеулда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форумида Жанубий Кореядан 300 нафардан зиёд киши, жумладан, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, етакчи компаниялар, молия институтлари, олий ўқув юртлари, эксперт-таҳлил марказлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Бош вазир вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван сўзга чиқиб, "Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи ҳамкоримиз ҳисобланади ва бу мамлакатга инвестиция киритиш мумкин ва керак. Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликни, авваламбор, мамлакатда амалга оширилаётган саноатни янада модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар, хусусийлаштириш, ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, корпоратив бошқарувни тубдан такомиллаштириш дастурини қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганмиз", деди.

Бизнес-форумда "Лотте Кемикал" компанияси президенти Ху Су Ёнг, "Кореан Эйр" компанияси президенти Чи Чанг Хун, "Жи Эм Корея" компанияси президенти Сержио Роча, "Самсунг Электроникс" компаниясининг катта вице-президенти Ку Ин Чой, Эксимбанк вице-президенти Ким Ёнг Ки ва бошқалар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият кўрсатиш тажрибаси ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида маъруза қилди.

Ташриф давомида маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш доирасида Тошкент шаҳрида Жанубий Корея маданият ва санъат уйини қуриш ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Бу Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлигининг янги рамзи, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга интилишнинг тимсолига айланади.

Пак Кин Хэ Ўзбекистонда яшаётган корейс миллати вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Жанубий Корея халқи номидан миннатдорлик изҳор этди.

"Ханжин" компанияси билан Инха университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида янги Логистика факул тетини очиш тўғрисида келишувга эришилди.

Президентлар ушбу ташриф давомида давлат, ҳукумат ва идораларо имзоланган салмоқли ҳужжатлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида 29 май куни Корея Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван, Жанубий Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хо, "Лотте групп" компанияси раиси Шин Донг Бин, "Лотте Кемикал" компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, "Ханжин групп" ва "Кореан Эйр" компанияси раиси Чо Янг Хо, Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хун ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти Ким Ёнг Мокни қабул қилди. Музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Чон Ий Хва ва депутатлар билан ҳам учрашди. Учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришда тарихий воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Сеул-Тошкент.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тиббиёт соҳасидаги раҳбар ҳамда раҳбарликка захира кадрлар, олий маълумотли бош ҳамширалар учун "Соғлиқни сақлаш тизимида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этишда ижтимоий шериклик масалалари" мавзуида ўқув-семинарлар тизимли равишда ташкил этилмоқда.

"Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида иш берувчиларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари", "Бош келишув, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг ижросини таъминлашда иш берувчиларнинг вазифалари ва мажбуриятлари", "Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар" каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соҳа ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинган ҳужжатлар мазмунмоҳиятини уларга етказиш мақсадида ташкил этилаётган ўқув-семинарларда шу кунга қадар 600 нафардан зиёд иш берувчи ва раҳбарликка захира кадрлар ҳамда олий маълумотли бош ҳамширалар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

Маълумки, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида кадрлар қўнимсизлиги вужудга келганда иш унумдорлиги кескин пасайиб кетади. Ишчиларнинг ўзаро ёки раҳбар билан юзага келадиган келишмовчиликлари ҳеч қачон яхшиликка хизмат қилмайди. Киши қайси юмушни бажаришидан қатъи назар, кайфияти чоғ ҳолда қунт ва иштиёқ билан ишласагина, кутилган натижага эришади. 1036 нафар ишчи-ходим меҳнат қиладиган "Тошкент ёғ-мой комбинати" АЖ айнан шундай аҳил жамоалардан бири.

БАРАКА ТОТУВЛИКДА

— Ўтган йилларда корхонада олиб борилган ислоҳотлар натижасида кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Айни пайтда ходимларнинг асосий қисми 30-35 ёшда. Муҳими, улар шу ерда ўн, ўн беш йилдан буён ишлаб келаётган ва ўз касбининг моҳир эгаларига айланган ходимлар саналади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Ҳамроев.

Байрам саналарида илғор ёш ходимлар билан бирга, кўп йилдан буён меҳнат қилиб келаётган фахрийлар маиший рўзғор буюмлари билан тақдирланади.

Корхонада 350 га яқин хотин-қиз меҳнат қилади. 3 ёшгача боласи бўлган аёлларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида қабул қилинган жамоа шартномаларига қатор имтиёзлар киритилди. Қисқартирилган иш куни, қўшимча таътиллар жорий этилиб, ноқулай, соғлик учун зарарли юмушларга жалб қилмаслик каби талаблар қондирилди. Ҳисобот даврида оилавий шароити ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим аёллар ва бошқа ходимлар учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири, бу ходимлар соғлигини асрашдир. Мингдан зиёд инсонлар ишлайдиган жойда меҳнатни муҳофазалаш, техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш осон эмас. Шуни инобатга олган ҳолда, касаба уюшма қўмитаси раиси ҳамда корхона раҳбари ўртасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар режаси юзасидан Келишув имзоланган. Деярли ҳар йили шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб, келишувга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. 2010 йилда меҳнат муҳофазаси тадбирларини бажариш учун 232 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2014 йилда келишув талаблари ижроси учун 390 млн. сўм сарфланди. Белгиланган тартиб ва талаблар асосида иш ўринларини аттестациядан, ходимларни эса тиббий кўрикдан ўтказиш қоидага айланган. Ноқулай ва зарарли меҳнат шароитида ишлайдиганлар махсус кийимлар, санитария-гигиена воситалари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланади. Ҳисобот даврида 138 нафар ходим юртимиздаги нуфузли дам олиш уйлари ва сиҳатгоҳларда соғлигини мустаҳкамлагани ҳам эътибор ва ғамхўрликни кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида аъзолар ҳеч иккиланмай яна Алишер Ҳамроевга кейинги муддат учун ишонч билдиришди.

Корхона фаолияти билан танишиш асносида кўп сонли бўлишига қарамай жамоа аҳли ниҳоятда иноқ, бир-бирига меҳр-оқибатли эканлигини пайқадик. Соғлом муҳит шаклланишининг сабаби билан қизиққанимизда маълум бўлдики, касаба уюшма раиси иш берувчи ҳамда ходимлар билан бирдек яқиндан тил топа олган. Ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эмасми?!

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
"Ishonch" мухбири

МУТАХАССИС МИНБАРИ

БАНДЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Тизимга аъзо корхона ва ташкилотлар сонини кўпайтириш, мавжуд имтиёзлардан барча меҳнаткашларнинг фойдаланишини таъминлаш касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг норасмий бандликни чеклаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳозирда Навоий вилоятида норасмий меҳнатнинг тармоққа оид турлари ва уларда иш билан банд аҳолининг сони аниқланмоқда. Кичик бизнес корхоналарида ишчиларни расмий меҳнатга жалб этиш бўйича корхона раҳбарлари, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда бозорлар, автосервис, новвойхона, умумий овқатланиш шохобчаларида аҳолининг норасмий бандлик ҳолатлари учраши инобатга олинмоқда.

Яқинда Нурота туманида фаолият юритаётган "Ойша Ботирова" оилавий корхонаси ишчиларининг меҳнат ҳужжатлари таҳлил қилинганда, 7 нафар аъзонинг 2 нафарига Меҳнат дафтарчаси очилмагани аниқланди. Ёки бўлмаса, умумий овқатланиш билан шуғулланувчи "Моно Эйтинг" кичик корхонасида доимий ишлаб келишига қарамасдан 3 нафар аъзога Меҳнат дафтарчаси ҳанузгача юритилмай келинган. Иш берувчилар иштирокида ечимини кутаётган масалалар жойида бартараф этилди.

Бундай мисолларни Навбаҳор, Қизилтепа ва бошқа шаҳар, туманлар мисолида ҳам келтириш мумкин. Норасмий бандликни чеклаш фақат тизим мутасаддиларининг вазифасига айланиб қолмаслиги учун маҳаллалар, давлат солиқ идоралари вакиллари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигига таяниб иш кўраяпмиз. У ёки бу ҳудуд шароитларини ўрганиш чоғида тармоққа тегишли касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари билан ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирларга уста ҳунарманд, оилавий корхоналар вакиллари ҳам таклиф этилаётир.

Ҳамза ЭШОНҚУЛОВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

"КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ" РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

ҲАЁТНИНГ ОҚУ

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Ўз тарихини биладиган халқнинг истиқболи бўлади. Ўтган кунлардан чиқарилган тўғри хулосалар келажак авлод учун асқатиши табиий. Биз — ўз ўрни, тарихи, қадриятларига эга, уларни маҳкам тутган халқмиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат — халқимизнинг минг йиллардан бери тутган тутумларидан. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш йилларида улар кўрсатган жанговар ҳамда меҳнат жасорати муносиб баҳоланаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда яшаган 6,5 миллионга яқин аҳолининг 1,5 миллиондан зиёди фронтга кетган. Ўша даҳшатли урушда 500 мингга яқин юртдошимиз ҳалок бўлган, минглаб норғул йигитлар бедарак йўқолган. Кўпчилиги эса майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Ўша даврларда душман томонидан босиб олинган ҳудудлардан эвакуация қилинган миллиондан ортиқ одамлар, жумладан, икки юз мингга яқин етимлар, болалар, ўсмирларга бошпана бериб, охирги нонини ҳам баҳам кўрган ўзбек халқининг олижаноблиги ва бағрикенглигини тан олмасликнинг иложи йўқ.

Истиқлол йилларида Иккинчи жаҳон урушида ўз жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ташкил этилган Хотира майдонларидаги хотира китобларида уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак кетганларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу уларнинг мардлиги ва жасорати эътирофи бўлиб, биз, авлодларни ушбу уруш фожиасидан сабоқ чиқаришга даъват этади, айни пайтда мамлакатимизда инсон хотираси абадий, қадр-қиммати муқаддас эканини тасдиқлайди.

Бугунги дориламон кунларда биз билан бирга умргузаронлик қилаётган фахрийларимиз давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Уларга ҳар томонлама юксак ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсатилиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти фахрийларига пенсия ва нафақаларидан ташқари бошқа ижтимоий ёрдамлар ҳам кўрсатилмоқда. Бу уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, санаторий ва курортларда даволаниш, бошқа зарур воситалар билан таъминланишда ўз ифодасини топмоқда.

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ...

Зангиоталик Ҳомид ота Йўлчиев Иккинчи жаҳон урушида қон кечган, узоқ йиллар почта тизимида меҳнат қилган инсон. Отахон билан суҳбатлашиш учун ҳовлисига кириб борар эканмиз, кенг саҳн, очилиб турган гуллар, саранжом-саришталикни кўриб, кўнглимиз равшан тортди. Райҳон иси димоққа урилади. Ўзбекнинг ҳовлиси ўзидай кенг, ўзидай тоза бўлади. Бироз содда, бироз одмидир, лекин файзи бўлакча.

1925 йилда таваллуд топган отахоннинг айни ўйнаб-куладиган болалик ва ўсмирлик даври оғир уруш йилларига тўғри келди.

— У кунларни қайта кўргулик қилмасин, болам, — дея сўз бошлади Ҳомид ота. — Оғзимиз ошга етай деб қолган пайтда номинг ўчгур уруш бошланиб қолди. Ўша пайтлар туманимиздаги 34-мактабда ўқирдим. 1941 йилда ҳамма эркак ўқитувчилар урушга жўнаб кетди. Қолган муаллималаримиз ҳам бошқа ишларга жалб этилди. Муаллимсиз мактабни кўрганмисиз? Биз — 8-синф болаларининг ўқиши шу билан якунланди.

Онаси Норбуви ая, опаси Ойпошша, укаси Қўчқор билан қолган Ҳомид почтачиларга ёрдам бериб юради. Айниқса, урушнинг бошида "қора хат" кўп келади.

— Деярли ҳар куни кимнингдир ҳовлисида аза очиларди. Кимдир ўғлидан, кимдир акасидан, укасидан, эридан ажралган. Энг ёмони, уларнинг қаерда ётганини ҳам билмайсан. Ҳеч бўлмаса, қабрини билсанг, вақти-вақти билан борриб зиёрат қилсанг, кўнглинг бироз тинчланади. Дом-даракси кетганлар қанча. Почтачилар ҳам безиллаб қолганди. Шум хабарни етказишнинг ўзи бўлмайди, болам.

Кекса почтачи чуқур тин олади. Мен эса оғир ўйлар гирдобида қоламан. Аза сўзининг ўзиёқ этни жунжиктириб юборади. Яқинидан жудо бўлган одам суянган тоғидан айрилади. Бунга бардош бериш осон эмас.

ТАҚДИР ЗАРБАЛАРИ

— 1942 йили ўн етти ёшда урушга жўнадим. Туркманистоннинг Байрамали шаҳридаги офицерлар мактабида етти ой тайёргарликдан сўнг, фронтга юборишди. Урушнинг даҳшатини уруш кўрган билади. Осмондан самолёт бомба ёғдиради, ерда ўқ визиллаб учади. Ҳамманинг жони қил устида. У кунларни эслаш осонмас, болам. Ҳеч бир жонга қайта кўргулик қилмасин.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий

2015-yil 30-may, shanba, № 67 (3572), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

КОЛЛЕЖГА КИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛАДИ?

Савол: Эшитишимча, мактаб битирувчилари лицей ёки коллежга ўқишга кириш учун топшириши керак бўлган ҳужжатларнинг янги рўйхати қабул қилинибди. Уларга нималар киритилган?

Нигора МЎЙДИНОВА,
Наманган шаҳри

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда 2015 йил 7 майда "Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" қарор қабул қилган. Мазкур қарорга мувофиқ жорий йил касб-ҳунар коллежларига ўқишга кираётган битирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак бўлади:

1) Битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори номига ёзган аризаси;

2) 086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти нусхаси, агар битирувчи паспорт олмаган бўлса, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

4) Битирувчининг 3,5 х 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурати (рангли);

5) Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадалари ғолибларига берилган республика ташкилий қўмитасининг йўлланмаси, агар мавжуд бўлса;

6) Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома;

7) Халқ таълими тизимида ўтказилган психологик-педагогик ташхис натижалари (Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази тавсияномаси);

8) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари хулосалари ва тавсиялари, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўлланмалари — ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун;

9) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ёки вилоят халқ таълими бошқармасининг битирувчи академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига жалб этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси — илгари академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларига жалб этилмаган битирувчилар учун.

Мазкур рўйхатнинг 1-, 5-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар бевосита битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан, 6-, 9-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар бевосита тегишли умумтаълим мактаби томонидан тўпланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Реклама ва эълонлар

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ушбу тармоқнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Александр Авангард-Денов" хусусий фирмасида болалар ва аёллар учун 30 дан ортиқ турдаги кийим-кечак, спорт формалари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий тикув дастгоҳлари билан таъминланган кичик корхонада 10 га яқин ёшлар доимий иш билан таъминланган.

СУРАТДА: *(чапдан) ишчилар Латофат Салимова ва Маҳдия Салимова.*

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Андижон тумани «Бўтақора» МФЙдаги 28-сонли мактабга маиший хоналари билан 12м х 24м ўлчамдаги спорт залини қўшимча қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 630.491.129 сўм.
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 525.409.274 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати — 90 кун.

Буюртмачи: **Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**
(Андижон шаҳар, Навоий кўчаси, 45-уй), Тел: (998 74) 223-61-08, 223-08-28

Молиялаштириш манбаси: Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу объектларда танлов савдолари (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

* 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

* Бошқа, манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг танлов (тендер) савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларнинг иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

* Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

* Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

* Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

* **Андижон ш., А.Навоий шоҳ кўча, 30-уй, тел.факс 223-57-05.**

* Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: 100 000 сўм.

* Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

* Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 ноябрдаги №02/1-5454 сонли Назорат-режасидаги рухсатига асосан матбуотда эълон чоп этилган санадан 15 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Вниманию организаций и предприятий!

Навоийский государственный педагогический институт ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ!

По объекту: «Капитальный ремонт вспомогательного здания Навоийского государственного педагогического института».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 227 967 958 сум, с НДС 273 561 550 сум.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1 месяца**.

Заказчик — **Навоийский Государственный педагогический институт,** расположенный **г. Навоий ул. Ибн Сино-45**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств НГПИ.**

(Конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимыхе для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **в Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия, 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул. Гвасалия, 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98

Крайний срок представления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г. Навои, ул. Гвасалия, 2а не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (Дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

Настоящим ООО «KONOZ TECH» (ИНН: 301568691) сообщает об уменьшении уставного фонда ООО «KONOZ TECH» с 904 853 373 сум до 290 983 344 сум 52 тийин.

Все претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по следующему адресу: Ташкентская область, Чиназский район, поселок Янги Чиназ. Тел: + 99890 998-33-99.

Услуги лицензированы.

Эълонга тузатиш.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ томонидан "Ishonch" газетасининг 16.05.2015 йил № 61 (3566)-сонида чоп қилинган эълоннинг (цех биноси, омборхона БЛОК Е, бино БЛОК К, навес БЛОК К1, навес БЛОК К2, ҳожатхона, навес) бино ва иншоотлари биргаликда мужассам ҳолда деган жумласи: (ишлаб чиқариш цехи биноси БЛОК В, омборхона БЛОК Е, бино БЛОК К, навес БЛОК К1, навес БЛОК К2, ҳожатхона, навес) бино ва иншоотлари биргаликда мужассам ҳолда деб ўқилсин.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 0 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.

ҚОРА ХАТЛАРИ

ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрларини ёдга олиш ўринли:

— Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир.

Ҳомид Йўлчиев 1943 йилда қўл ва оёғидан ярадор бўлиб, ҳарбий госпиталга тушади.

— Дори-дармон етишмайди. Бинт ўрнига қоғоз ишлатишарди. Ярадор аскарлар инграйди. Кимдир онасининг, кимдир ёрининг отини айтиб, кечаси билан алаҳлаб чиқади. Ҳар куни қайсидир оиланинг суянган тоғи, кимнингдир суюкли фарзанди — бўз йигитлар жон беради, — ҳазин сўзлайди отахон.

Бир ой даволангандан сўнг яна бе-аёв қирғинга юборилади. 1944 йил июнда унинг ҳалок бўлгани ҳақида "қора хат" келади.

— Маҳалламизда Мансур ака деган почтачи бўларди. Яхши одам эди раҳматли. Бир куни менинг ўлганим ҳақида "қора хат" келибди. Мансур ака кўп ўйлабди. Онамнинг кўзлари ўша пайтлар хиралашиб қолган экан. Қаҳатчилик, қийинчилик йиллари. Почтачи уни аяб хатни бермабди. Ҳолбуки, мен тирик эдим! Ўшанда хабар берганда нима бўларди?

Ўйга толаман: мана шундай адашган "қора хатлар" қанчадан-қанча одамларнинг дилини вайрон қилган, дунёсини зулматга ботирган. Кўзёшлар дарё бўлиб оққан.

АРМОН

Ҳомид Йўлчиев 1070 километр оловли, ҳар қадамда ўлим шай турган масофани пиёда босиб, Берлингача етиб борган кам сонли жангчилардан. Афсуски, уруш тугагандан сўнг ҳам уйга қайтишга рухсат бўлмайди.

Оккупацион ҳудуд сифатида эътироф этилган Дрезден шаҳрида яна беш йил ҳарбий хизматда қолиб кетади.

— 1950 йил 28 январда уйга қайтишга рухсат бўлди. Аскарларнинг қувонганини кўрсангиз эди. Ҳамма ўз уйини, она тупроғини соғинган. Мен ҳам уйга қандай етиб келганимни сезмай қолганман.

Лекин тақдир Ҳомидга яна бир синовни тайёрлаб турганди. Волидаси уни кута-кута дунёдан ўтган эди.

— Уйга хушнудлик билан кириб келдим. Жуда хурсандман. Лекин қирқ кун аввал онам қазо қилган экан. Дийдоримни, тўйимни, невараларини кўролмай кетди. Бу — энг катта армоним. Агар уруш бўлмаганда.

Отахоннинг мижжаларига ёш келади. Оғир хўрсинади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотган, салкам бир асрни кўрган нуронийга қандай таскин беришни билмайман.

— Маҳалламиздан қирқ йигит урушга жўнаганди. Ўн бештамиз тирик қайтдик. Ҳалок бўлганларнинг ичида жондай ўртоқларим бор эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган қуйидаги фикрлари ёдга келади:

— Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир "улуғ доҳий" учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, "Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам", деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўз юртини севиш, она Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, десам, адашмаган бўламан.

Вақт ўтади, замонлар ўтади. Лекин Ватан озодлиги, элимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айланиб кетган.

ШУКРОНА

— Бугунги тинч, хотиржам кунларнинг қадрига етиш керак, болам. Худога минг шукур, осмонимиз мусаффо, халқимиз аҳил-иноқ. Яхши-ёмон кунларида бир-бирига елка тутади. Шу фазилатларимизни йўқотмаслигимиз керак, — дейди Ҳомид ота.

Минг афсуслар бўлсинки, бугун дунёнинг турли чеккаларида урушлар авж олмоқда. Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, миллатчилик, шовинизм сингари иллатлар майдонга чиқмоқда. Одам боласи баъзан қанчалик тубан кетиши мумкинлигини кўриб ҳайрон қоласан киши.

Юртимиздаги тинчликнинг моҳиятини янада теран англамоқчи бўлсак, Президентимизнинг ушбу сўзларига қулоқ тутишимиз лозим:

— Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг Ўзбекистонимиз олиб бораётган сиёсат халқимизга яхши маълум. Яъни, биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз.

Биз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Узоқни кўзлаб олиб борилаётган бундай сиёсат ёшу қарини хурсанд қилиши шубҳасиз.

— Бу йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганидан жуда хурсанд бўлдим, — дейди Ҳомид ота.

Дарҳақиқат, кексаларимизни эъзозлаш, асраб-авайлаш, турли имтиёз ва қулайликлар яратиш бу йилда, айниқса, ўзгача кечмоқда.

— Президентимизнинг медалини (Ҳомид ота "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медалини шундай атайди) уйга келтириб, тақиб қўйишганда, қувониб кетдим. Юртбошимизнинг бундай эҳтиромидан кўнглим тоғдай кўтарилди, — дейди Ҳомид Йўлчиев.

Отахоннинг урушдан кейинги босиб ўтган умр йўли ҳам ўрнак бўлгулик. Умр йўлдоши Ҳикоят ая билан етти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, элга қўшди. Зангиота туманидаги почта бўлимида ўттиз беш йил меҳнат қилди. Бугунги дорилмамон замонда ширин-шакар невара-ю чеваралар ардоғида пири бадавлат бобо бўлиб умр кечирмоқда.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган сурат

2015-yil 30-may, shanba, № 67 (3572), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ПАРВОЗГА ШАЙ ЛОЧИНЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЎзКУФК Ўқув марказида танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ғолибларни қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш тадбирларини янада кучайтириш ва бу борадаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида 2012 йилда "Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси" тасдиқланган эди. Бугунги кунда мазкур Концепция талаблари асосида оромгоҳларда болаларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўналишида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун янги болалар қўшиқлари, шеър ва мусиқаларга эҳтиёж мавжуд эканлиги аниқланди. Шу мақсадда ташкил этилган ушбу танловга 605 та ижод намуналари тақдим этилди. Улар малакали мусиқа мутахассислари, бастакор, ёзувчилардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганилиб, шулардан 106 таси республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Турли йўналишлардаги ушбу ижодий ишлар бир-биридан мукаммал бўлиб, профессионал даражада ишланганлиги эътиборли. Албатта, бу шеър ва қўшиқлар келгусида болаларимиз тарбиясига, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга, Ватанга бўлган меҳрини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Танлаш жараёнида ҳайъат вакиллари учун ғолибларни аниқлаш анчагина қийин кечди. Чунки барча ишлар яхши эди. Шунинг учун республика ташкилий қўмитаси аъзоларининг таклифига асосан 2 та, яъни "Саралланган қўшиқлар" ҳамда "Фаол иштироки учун" номинациялари қўшимча равишда киритилди.

Танловда 1-, 2-, 3-ўринлар бўйича ғолиблар аниқланди.

"Энг яхши болалар оромгоҳи мадҳияси" номинациясида "Оромгоҳ" қўшиғи (Иқбол Мирзо шеъри, Ойдин Абдуллаева мусиқаси), "Энг яхши марш қўшиғи" номинациясида "Оромгоҳ марши" (Захро Ҳасанова шеъри, Хуршида Ҳасанова мусиқаси), "Энг яхши ҳисоб(саноқ) шеъри" номинациясида "Юрт эртасимиз" шеъри (шоир Азизбек Анвар), "Қўшиқ учун яратилган энг яхши шеър" номинациясида "Оромгоҳ мадҳияси" шеъри (шоир Дилшод Ражаб), "Энг яхши қўшиқ ижрочилиги" номинациясида "Севинч" болалар ижодий гуруҳи биринчи ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, "Саралланган қўшиқлар" ҳамда "Фаол иштироки учун" номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди.

— Болажонлар — юртимиз эртаси, — дейди «Энг яхши ҳисоб(саноқ) шеъри» йўналиши ғолиби, шоир Азизбек Анвар. — Уларга дадил қадам ташлашни ўргатсак, келажакда асло қоқилмайди. Қоқилсада йиқилмайди. Қаддини ғоз тутади. Қанотини кенг ёзиб, парвозга шай турган лочинлар каби бу ҳаётнинг турфа синовларини назар-писанд қилмай мақсад сари интилади. Бахтиёр болаларимиз кўзларида ҳамиша ўт чақнайди.

Сафимизда кимлар бор?!
Ўғиллар — лочин, шунқор,
Қизлар — тоза юракли,
Бизлар толмас билакли,
Шу Ватанга керакли! — дея баралла куйлаётган келажагимиз эгалари нигоҳидаги учқун бизга илҳом беради.

— Болаликни эслаганда нафақат ижодкорлар, ҳар қандай одам ҳам бир энтикиб қўяди. Шундай лаҳзаларда яна бир ижод намунаси дунёга келади, — дейди бастакор Ойдин Абдуллаева. — Биз яратган қўшиқлар фарзандларимизнинг кўнглига бахтиёрлик туйғусини солиб, уларнинг келажакда комил инсонлар бўлиб етишига озгина ҳисса бўлиб қўшилса, бу ёруғ оламда мендан бахтиёр киши топилмаса керак.

Эътироф этилган шеър ва қўшиқлар тўплами диск шаклида республикамизда фаолият юритаётган барча шаҳардан ташқари ва кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул тарқатилади.

Барча номинациялар бўйича ғолибларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ишончимиз комилки, республика ижодий танлови туҳфа этган ижод намуналари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида маза қилиб дам оладиган болажонларимиз дилида завқли онлар туҳфаси сифатида муҳрланиб қолади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Толариқ» маҳалласида янги болалар майдончасининг фойдаланишга топширилиши байрамга айланиб кетди. «Ўзбекцирки» артистлари томонидан ижро этилган турли томошаларни нафақат болалар, ота-оналар ҳам мириқиб томоша қилишди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТУҲФАСИ

— Маҳалламизда 3 минг 672 киши истиқомат қилади, — дейди «Толариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳалима Исмоилова. — Болалар майдончаси ташкил этилган жой илгари қаровсиз ҳолда ётарди. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Миробод туман ҳокимлиги томонидан қуриб берилган ушбу масканболажонларимизга ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Маҳалламиз ота-оналари номидан ҳомийларга миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Миробод туман ҳокими муовини Моҳира Раҳимбердиева мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлашди.

Шундан сўнг Федерация Кенгаши раиси Ҳалима Исмоиловага болалар майдончаси рамзий калитини ҳамда шу маҳаллада истиқомат қилувчи 20 нафар кам таъминланган оила фарзандларига спорт анжомларини совға сифатида топширди.

— 128-мактабнинг 3-синфини аъло баҳолар билан тугатдим, — дейди Муборак Алимова. — Барча тенгдошларим қатори болалар майдончаси очилишини интизорлик билан кутдим. Ушбу байрам совғасига аъло ўқишимиз ва хулқимиз билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

«Толариқ»да байрам давом этмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

УЛКАН МАҚСАДЛАРГА БОШЛОВЧИ СПОРТ БАЙРАМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Илгари шаҳарда ҳам нари борса, икки-учта спорт иншооти бўлар эди, — дейди "Нуроний" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси Топволди Холдоров. — Уларда ҳам гоҳ мураббий етишмовчилиги, гоҳ анжомлар танқислиги кузатиларди. Қишлоқда-ку, шароит йўқлиги боис қанча-қанча истеъдодлар кашф этилмай сўнар эди. Бугун болаларимиз ютуқларида бизнинг орзуларимиз рўёбга чиқмоқда. Энг олис қишлоқларда ҳам муҳташам спорт мажмуалари, спортга ихтисослаштирилган муассасалар фаолият юритаётир. Иқтидорли ўғил-қизларимизга мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиш учун имконият яратиб берилмоқда. Хорижий давлатлар вакиллари Ўзбекистон ёшларини нуфузли спорт мусобақаларида кучли ва муносиб рақиб сифатида тан олмоқда. Бугунги беллашувларда фарзандларимиз юз-кўзидаги ишонч ва қатъиятни кўриб, беихтиёр янада қувонасан киши.

"Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг вилоят босқичида Фарғона шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Марғилон шаҳри ёш спортчиларига, учинчи ўрин Қўштепа тумани ҳамда Қўқон шаҳри ўқувчиларига насиб этди.

Вилоят ҳокими Ш.Ганиев Фарғона шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Мусобақаларда яхши натижаларга эришган ўғил-қизлар ҳам муносиб тақдирланди.

— Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшлар камолотига алоҳида эътибор қаратаётганни кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда, — дейди Марғилон шаҳридаги 21-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гўзал Мўминова. — Ёшлигимдан спортнинг баскетбол тури билан шуғулланаман. Ҳаракатларим зое кетмай, "Умид ниҳоллари — 2015" мусобақаларида ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман.

— Қизим Сурайёхон мактабда ўқиш билан бирга, баскетбол тўгараги машғулотларига ҳам мунтазам қатнашади, — дейди Қувасой шаҳридан Абдумутал Иброналиев. — У иштирок этадиган жамоа "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларида ғолиблар сафидан ўрин эгаллашига ишонардим. Ёшларимизга шундай шароит ва имкониятлар яратиб бераётгани учун биз, ота-оналар Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Таниқли спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, болалар ижодий жамоалари, ёш санъат усталари ҳамда эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури тадбирга янада файз бағишлади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА суратлари

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК "5-кон бошқармаси"нинг 2015 йил 25 майдаги 14-02/1922 -сонли буюртманомасига асосан Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Зафаробод посёлкасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1999 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AL 376 бўлган МАЗ-5551 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 380 000 сўм.**
2. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AL 918 бўлган ЗИЛ ММЗ-555 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 150 000 сўм.**
3. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 296 КАА бўлган МАЗ-5549 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 759 000 сўм.**
4. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 573 КАА бўлган ЗИЛ-431412 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 495 000 сўм.**
5. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 681 КАА бўлган УАЗ-396254 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 853 000 сўм.**
6. 1996 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 225 КАА бўлган TOYOTA LAND CRUISER русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 169 000 сўм.**
7. 1991 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AI 235 бўлган ЗИЛ ММЗ-4502 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 849 000 сўм.**
8. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 831 КАА бўлган ЗИЛ-431412 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 087 000 сўм.**
9. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AD 763 бўлган УАЗ-315201 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 050 000 сўм.**
10. 1988 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AO 179 бўлган МАЗ-5534, СМК-10 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 413 000 сўм.**
11. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 583 КАА бўлган МАЗ-5334, СМК-7 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 290 000 сўм.**
12. 1998 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 981 ДАА бўлган УАЗ-39091 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 177 000 сўм.**
13. 1988 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 80 596 КАА бўлган УАЗ-3303 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 386 000 сўм.**
14. 2004 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AQ 012 бўлган УАЗ-39099 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 138 000 сўм.**
15. 2003 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AQ 495 бўлган УАЗ-390942 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 063 000 сўм.**
16. 1987 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 24-28 ЧЗ бўлган Т-16 русумли трактор. **Бошланғич баҳоси — 1 481 000 сўм.**
17. 2004 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 94-23 ЧЗ бўлган ВУ-304 русумли трактор. **Бошланғич баҳоси — 2 017 000 сўм.**
18. 1994 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 20 AI 240 бўлган ШЕВРОЛЕТ 2500 русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 4 594 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 30 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 26 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 30 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 15-, 31 июл, 14-, 28 август кунлари соат 10:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 13-, 29 июл, 12-, 26 август кунлари соат 18:00да тўхтатилади.

II. НКМК ДК "Зарафшон қурилиш бошқармаси"нинг 2015 йил 27 февралдаги 20-02/924 -сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 772 НАА бўлган ЗИЛ-ММЗ-555 русумли автотранспорт тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 712 592 сўм.**

Савдо 2015 йил 24 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 22 июн куни соат 18:00.

III. НКМК ДК "Шимолий кон бошқармаси"нинг 2015 йил 12 мартдаги 01/271-сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 419 NAA бўлган МАЗ-551605-223-024 русумли автотранспорт тақроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 7 573 472 сўм.**

Савдо 2015 йил 24 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 22 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 24 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 8-, 22 июл, 5-, 12-, 19 август кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 6-, 20 июл, 3-, 10-, 17 август кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Кўрсатилаётган хизматлар учун қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг бир боравари миқдорида ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ "Ипотека банк" Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. Хизматлар лицензияланган.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ТИФ "Миллий Банк" 2015 йил 29 майдаги МР-11/2642-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилоят, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 209,26 кв.м бўлган, тамирталаб, акфа, темир эшикдан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 113 009 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 30 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 26 июн куни соат 16:00.

Кўчмас мулк 2015 йил 30 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2015 йилнинг 6-, 10- ва 14 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йилнинг 6 июлдаги савдо учун 3 июл куни, 10 июлдаги савдо учун 8 июл куни, 14 июлдаги савдо учун 10 июл куни соат 16:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000404920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/Факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бошқаруви раиси

Искандархон ОТАХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририяти жамоаси "Нуроний" газетаси бош муҳаррири Темур Убайдуллога ўғли

ТОҲИРБЕКнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5282
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **01:15**
Topshirildi — **02:00**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida basildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133